Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 2 ноябрь, № 226 (3501) Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 ноябрь куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) амалдаги раисининг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаарини қабул қилди.

Ўзбекистон ушбу ташкилот билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. ЕХҲТ билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилаётгани ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир. Жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, наркотикларнинг ноқонуний савдоси муаммоларига бағишланган анжуманлар, чегара ва божхона хизмати ходимлари учун семинарлар ташкил этилди.

Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўзаро ҳамкорликда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, қурол-яроғ савдосига қарши курашиш, террорчилик ва уни молиялаштиришнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Иқтисодий тараққиёт ва экология масалалари билан шуғулланиш ҳам ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ташкил этади. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда аҳолини атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига кенгроқ жалб этишга қаратилган бир неча лойиҳа амалга оширилди.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг бугунги аҳволи таҳлил этилиб, келгусида уни ҳар томонлама ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атроф-лича фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайтидан лавҳалар. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2004 йил 2 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 1 ноябрь.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кутилаётган ижроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.
3. "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
4. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
6. "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
7. "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. "Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
9. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
10. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

ЕХҲТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ).

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) амалдаги раисининг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон-ЕХҲТ муносабатларининг бугунги аҳволи, истиқболи, минтақамиздаги вазият, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш шахсий вакил олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Учрашувда таъкидланганидек, унинг бу галги ташрифи Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларини янги поғонага кўтариш ва янада фаоллаштириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев 1 ноябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) амалдаги раисининг шахсий вакили Мартти Ахтисаари раҳбарлигидаги ЕХҲТ делегацияси аъзолари билан учрашди.

Мамлакатимизда шу йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтажак сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилаётгани таъкидланди. Икки палатали парламентнинг илк сайловига тайёргарлик доирасида Марказий сайлов комиссияси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

М.Ахтисаари Ўзбекистонда бўлажак сайловларга ташкилий-молиявий жиҳатдан айниқса пухта тайёргарлик кўрилаётганини эътироф этди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ёритиш учун оммавий ахборот воситаларига тегишли шарт-шароит яратилаётганлигини қўллаб-қувватлашини айтди. Бўлажак сайловларда ЕХҲТ кузатувчилари миссиясига кўмаклашишга тайёрлиги учун Ўзбекистон томонига ўз миннатдорлигини изҳор қилди.

Мулоқот чоғида сайлов комиссиялари фаолияти, сайлов кампанияси жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида ошкора ёритилиши, эркин ва демократик сайловлар ўтказишда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ўрни ва аҳамиятига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Компьютерда дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати

Тошкент ахборот технологиялари университетида компьютерда дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларининг чорак финали ўтказилди.

Республикамиз олий таълим муассасалари ушбу мусобақаларда 60 та команда билан иштирок этди. Мусобақалар давомида «Uzinfjcom» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳамда «Uzscinet» интернет сервис провайдери ахборот узатилишини таъминладилар.

Мазкур мусобақалар доирасида Бутунроссия командалари олимпиадаси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг 40 та мактаб ўқувчилари командаси иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ШАҲРИ КЕШДА ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

30-31 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида III жаҳон биринчилиги, белбоғ кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган IV халқаро турнир бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Кураш халқаро ассоциацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

Маҳсулот нархини Биржа белгиламоқда

Республика Товар-хомашё биржасининг марказий залида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда семинар ташкил этилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги "Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарорининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида сўз борди.

Таъкидландики, ҳукуматимизнинг мазкур қарори юқори ликвидли маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг марказлашган тақсимланишининг бекор қилинишига, хўжалик юритувчи субъектларнинг, ҳар қандай шаклидан қатъи назар, моддий техник ресурсларни олиш имконига эга бўлишига ҳамда маҳсулотларнинг нархларини белгилашда бозор механизмини шакллантиришни такомиллаштиришга хизмат қилади. Кейинги пайтда республикамизда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Биржа савдоларига қўйилаётган маҳсулотлар сони ортиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимиз халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида ишлаб чиқарилаётган товарлар биржалар орқали сотиляпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 287,1 миллиард сўм микдоридаги маҳсулотларни сотиш тўғрисида шартномалар тузилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 1,5 баравар кўпдир. Айниқса, биржанинг Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги филиалларида савдолар ҳажми янада юқори бўлди. Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида биржанинг 22 та ихтисослашган савдо майдончаси фаолият кўрсатяпти.

Семинар якунида ҳали биржа имкониятларидан тўла фойдаланилмаётганлиги, бу борада барча чора-тадбирларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Менинг овозим — менинг тақдирим

УЛУҒБЕКНИНГ НАБИРАЛАРИ

нафақат илми нужум, балки сайлов қонунчилиги борасида ҳам бийрон-бийрон сўзлашмоқда

Рости гап, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказиладиган сайловларга бағишланган йиғилишда ёшларнинг чаққон кўзларида келажакка собит ишончни кўрдим. Аслида бу йиғилиш ҳам эмас, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда университет раҳбарияти томонидан уюштирилган семинар-тренинг деса ҳам бўларди. Чунки учрашувнинг аксарият қисми савол-жавоблар, эркин чиқишлар асосида ўтди.

Учрашув ўтказиладиган маданият саройига кириб борар эканман, Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган қанотли ибораларига кўзим тушди. Ва беихтиёр мустақиллик туфайли уларга яратилаётган катта имкониятлар ҳақида ўйлай бошладим. Бугун улар Тошкентда, Самарқандда, Урганчда туриб, дунё билан гаплашаётир, Ванкувердаги олим билан инглиз тилида баҳслашмоқда, 64 катак устида лондонлик жаноби олийларининг бошини хам, хаёлини паришон қилмоқда. Спорт, санъат, тиббиёт ва алжабр соҳаларида ҳам бобокалонларимизнинг жаҳонгирлиги такрорлана бошлаётир. Ва табиийки, илҳомбахш парвозларнинг ибтидоси ва замирида ҳукуматимизнинг, шахсан Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган жуда катта ғамхўрлиги ётибди.

Ана шундай имконият ва шафъеликнинг рамзи ўлароқ, кечаги учрашув анча жонли ва мазмунли кечди. Уни университет ректори, профессор Равшан Ашуров бошқариб борди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев дастлаб талабалар ҳузурида икки палатали парламент ва сайлов қонунчилиги мавзуида қисқача чиқиш қилиб, сайлов тизимидаги янги ўзгаришлар хусусида ахборот берди. Шундан сўнг Тошкент Давлат юридик институти магистрлари сайловчининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари, сайловларнинг халқаро мезонлари, бу сиёсий кампанияда аёлларнинг роли каби мавзулар бўйича қисқа чиқишлар қилишди.

Биз юқорида тилга олган биринчи манзарани ана шу жараёнларда сезгандек бўлдик. Бу — ёшларнинг илмга чанқоқлиги ва ҳаётга, кундалик воқеаларга фаол муносабати ҳамда иштироки эди.

Магистрантлардан бири Афлотун ҳазратларининг каломи шарифларини айтиб ўтди: «Ҳеч бир фан инсонни қонун каби камолотга етказолмайди. Чунки қонун инсон ҳақидаги фандир». Зеро, сайловлар ҳамма жойда муайян мезонлар асосида ўтказилади. Ана шу мезонлардан эса сайлов қонунчилиги яратилади. Ва бу қонун ўз-ўзидан сайловчи, яъни инсон манфаати, пировардида юрт ва Ватан келажаги учун хизмат қилади. Демакки, фуқароларимизнинг сайловлардаги фаол иштироки ўзларининг тақдири ва Ватанимизнинг ёркин истиқболини белгилаб берувчи омил ҳам экан. Ваҳоланки, Ўзбекистонда қабул қилинган сайлов қонунчилиги ва бугунги кунда олиб борилаётган сайловолди тадбирларини халқаро ҳамжамият тан олаётган ва бу жараёнларда бевосита иштирок этаётган бир пайтда ўзимиз ва юртимизнинг эртасига бефарқлик ва лоқайдлик кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Зеро, сайлов тўғрисидаги қонунларимизнинг барчасидаги умумийлик, тенглик, ошкоралик ва адолат тамойиллари устувор ўринда туради ва миллати, ирқи, ёши ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳеч бир фуқаронинг манфаатларига путур етказмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қонуннинг инсон ҳақидаги фан эканлигига шак-шубҳа йўқдир.

Учрашувдаги чиқишлар ва савол-жавобларда ана шундай жонли ва қизиқарли масалалар ўртага ташланди ҳамда мантиқли жавоблар қайтарилди. Шунингдек, унда сайловдан ташқари пайтда сиёсий партиялар фаолиятининг суслиги, сайловларда хотин-қизлар иштироки, сайловчиларга яратилаётган шарт-шароитлар, хориждаги ҳамюртларимизнинг бу жараёнга қатнашуви каби қатор саволларига ҳам аниқ жавоблар олинди.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги уюштирган бу тадбирда мамлакатимиздаги барча университет ва институтлар ректорларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосарлари ҳам иштирок этдилар. Таъкидландики, Миллий университетда старт олган бундай учрашувлар туман ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида ҳам давом этади.

Хуллас, университет талабалари — аллома бобомизнинг чин набиралари билан бўлган учрашув, том маънода эсда қоларли бўлди. «Зижи Кўрагонийнинг яратувчиси, осмон илмининг муаллими сонийси ўз набираларининг табиат ва жамият илми — қонунчилик борасидаги зукколигини, заковатини, бийрон-бийрон сўзлашаётганлигини, қайси тилда бўлмасин, чўчимасдан баҳсга киришаётганлигини кўргандами эди, қувончидан юлдуз каби кўз ёшлари тўкарди, шубҳасиз. Бундай ёшларга, ҳақиқатда ҳам, ҳавас қилса арзийди. Зотан, эртанги сиёсатимизнинг, иқтисодиётимиз ва маънавиятимизнинг бошқарувчиларига бу фазилатлар узукка кўз қўйгандек ярашади.

Эсирган БОЛИЕВ.

«Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.
Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар».

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунидан.

Халқ. Демократия. Сайловлар

Адолат тамойилларига амал қилинади

"Адолат" социал-демократик партиясининг III қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан сайланган 170 нафарга яқин делегат, партия фаоллари, фахрийлар иштирок этдилар.

Қурултой кун тартибига киритилган масалалар юзасидан "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Т. Даминовнинг ўтган беш йил мобайнида амалга оширилган ишлар ва сайлов кампаниясига тайёргарлик юзасидан маърузаси ҳамда Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, партиянинг бош мақсади — мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларнинг жадаллашувига, ҳуқуқий демократик, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, пировардида Ўзбекистонни жаҳонда ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишдек мақсадига муносиб ҳисса қўшишдан иборат. "Адолат" ана шу йўлда мавжуд муаммоларни бартараф этиб, ўзини бутун мамлакат, халқ, жамият олдида масъул, деб ҳис этади.

Маълум бўлишича, "Адолат" СДП айни пайтда ўз атрофига 60 мингга яқин аъзоларни бирлаштирган ҳолда бўлажак сайловга катта тайёргарлик кўрмоқда. Хусусан, республикамизнинг барча вилоятларида ва Тошкент шаҳрида уюшқоқлик билан ташкил этилган партия ҳисобот-сайлов конференцияси ушбу партиянинг мамлакатимиздаги йирик сиёсий куч сифатида шаклланиб бораётганидан далолат беради.

Қурултойда "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастури лойиҳаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Айтиш мумкинки, партия бу галги сайловларга янгиланган дастур билан қатнашмоқда. Унга кўра, ижтимоий ва маданий муҳитни муҳофаза қилиш, инсоннинг маънавий эҳтиёжларини таъминлаш, фаровон турмуш тарзини таъминлаш, мустақил ва эркин шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган муносабатлар тизимини яратиш, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган аҳоли учун тенг имкониятларни вужудга келтириш, аҳолининг эҳтиёжманд қисми учун эса меҳр-мурувват кўрсатиш партия сайловолди дастурининг асосий моҳиятини ташкил этади.

Қурултойда "Адолат" СДП томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига тавсия этилган номзодлар делегатлар томонидан тасдиқланди. Шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши таркиби ҳам сайланди.

Анжуман якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Уйғоқлик

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг III қурултойи бўлиб ўтди.

225 нафар делегат қатнашган ушбу анжуманни ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳаммад очди. Делегатлар кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтишдан аввал қурултой раёсатини сайлаб олдилар. Сўнгра, биринчи масала — Марказий Кенгаш ҳисоботи юзасидан Х. Дўстмуҳаммад маъруза қилди. У партиянинг 2000-2004 йиллардаги фаолиятини таҳлил қилар экан, ҳаётдаги муаммолар ечими чуқур қамраб олинмаганлигини рўйрост айтди. Бунинг учун ҳар бир аъзо, вакил ЎзМТДПнинг сиёсий ғоялари тарғиботини кучайтириши лозимлигига эътибор қаратди.

Айниқса, айни сайлов кампанияси нафақат партиялар вакилларидан, балки ҳар бир сайловчидан ҳам фаол бўлишни талаб қилмоқда. Шу боис нотиқ делегатлар диққатини ЎзМТДПнинг сайловолди дастурига жалб қилди. Унда жамият ҳаётидаги барча қатламлар манфаатлари қамраб олинганлигини таъкидлади. Жумладан, жойларда юзага келган муаммо — ишсизликни сезиларли даражада камайтириш борасида ЎзМТДП аниқ ғоя билан чиқаётганлигини у алоҳида айтиб ўтди.

Ушбу масала муҳокамасида сўз олган Марказий Кенгаш аъзоси М. Қирғизбоев сайловолди платформада партиянинг ҳокимият учун кураши акс этишини таклиф қилди. Дарҳақиқат, кўппартиявийлик жамиятда шундай мақсадни олдига қўя олган сиёсий институтгина ҳақиқий партия сифатида ном қозонади. Шунингдек, жамиятда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, айниқса, суд қарорларига фуқароларнинг ишончини ошириш учун суд мустақиллигини таъминлаш зарурлиги юзасидан ҳам «Миллий тикланиш» ўз дастурий ғояси билан чиқиши зарурлиги айтилди. Билдирилган таклиф, мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда сайловолди Дастурни қабул қилиш овозга қўйилди. Делегатлар дастурни тасдиқладилар.

Қурултойда бугунги сиёсий жараён ЎзМТДП Уставига тегишли ўзгартишлар киритишни тақозо этаётганлиги айтилиб, делегатлар булар билан таништирилди. Сўнгра, у маъқулланди. Кун тартибидаги навбатдаги масала — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси сайловига номзод кўрсатиш эди. Бу бўйича Марказий Кенгаш тавсияси делегатлар ҳукмига ҳавола этилди. Қурултой уни бир овоздан маъқуллади.

Табиийки, парламент юқори палатаси — Сенатнинг шаклланиши маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловдан бошланади. Шу боис Х. Дўстмуҳаммад бу йил маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловнинг ўзига хослиги ҳақида гапириб, партия қуйи ташкилотларини туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сайловига катта аҳамият билан қарашга чақирди. Сайловни кенг ташвиқот остида ўтказишга даъват этди.

Ўз мухбиримиз.

ШАҲРИ КЕШДА ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга, ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спортга жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда ва унинг самараси ўлароқ Ўзбекистон спорти довруғи дунёга ёйилмоқда. Ўзбек кураши ўз жозибаси, жўмардлиги, тантилиги, ҳалоллиги билан оламаро тобора кенг шуҳрат қозонмоқда. Кўҳна Кешда ўтган кураш байрамининг очилиш тантаналарида сўзга чиққанлар буни алоҳида таъкидладилар.

Мусобақаларда беш қитъанинг қиррқа яқин давлатидан келган юздан зиёд полвон ғолиблик учун бел олишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган кураш бўйича IV халқаро турнир айниқса қизғин ва муросасиз кечди. Бу бежиз эмас, албатта. Бугун дунёдаги кўплаб мамлакатларда кураш федерациялари ташкил этилган. Ўзбек курашининг ўзига хос жиҳатлари билан қизиқаётган, уни ўз юртларида оммалаштиришга интилаётган мамлакатлар тобора кўпаймоқда. Баҳсларда Эрон, Туркия, Афғонистон, Бразилия, Польша, Мўғулистон, Туркманистон ва Тожикистондан келган полвонларнинг бош совринга даъвогарлик қилгани ҳам буни исботлайди. Ўзбек полвонлари ҳам мамлакатимиз Президенти совринини қўлга киритишдан ноумид эмасди. Мусобақаларни ўн беш нафар халқаро тоифадаги ҳакам кузатиб борди.



Ҳамюртимиз, кураш бўйича Осиё чемпиони Абдулла Тангриев барча рақиблари курагини ерга текказиб, Президент соврини — ўн минг АҚШ долларини қўлга киритди. Иккинчи ўрин бразилиялик Карлос Хонорато̀га, учинчи ўрин ўзбек полвони Рамзиддин Саидов ва эронлик Нежад Хусравийга насиб этди.

Кураш бўйича ёшлар ўртасида III жаҳон биринчилигининг саралаш баҳсларида беш вазн тоифасида йигитлар ва тўрт вазнда қизлар гиламга чиқдилар. Ҳамюртларимиз Шуҳрат Ражабов, Хуршид Набиев, Алишер Қурёзов, Румия Шайхуддинова, Дилшода Ҳазратова олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, хорижлик полвонлардан грециялик Ревас Зинтиридис ва Терел Зинтиридис, қизлардан мўғулистонлик Мунхбатар Бундмаа ҳамда туркиялик Гулшан Кучатурк шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Белбоғ кураши бўйича ўтган биринчи жаҳон чемпионати мусобақаларида ҳамюртимиз Дилмурод Рўзиевнинг қўли баланд келди. Афғонистонлик Муҳаммад Юсуф Рашидийга иккинчи, мўғулистонлик Золбаер Батжаргахга эса учинчи ўрин насиб этди.

Тадбирларда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев иштирок этди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.
СУРАТЛАРДА: Қашқадарёдаги тадбирлардан лавҳалар.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

СЎРАГАН эдингиз

Маълумки, шу йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов бўлиб ўтади. Ва бу сайлов илгаригиларидан тубдан фарқ қилади. Энг асосийси, ушбу тадбирга юртдошларимиз бефарқ эмас. Буни таҳририятимизга келаётган хатлар оқимидан ҳам билса бўлади. Хусусан, бу мурожаатларнинг аксарияти бўлажак сайловга оид саволлардир. Газетхонларимизни қизиқтирган саволларга жавоб беришларини сўраб Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раиси ***Убайдулла МИНГБОЕВ****га мурожаат қилдик.*

Ҳаммаям номзод бўлаверадими?

— Энди Олий Мажлисимиз икки палатадан — Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлади. Хўш, шундай экан, ушбу палаталарга қандай кишиларни номзод этиб кўрсатсак маъқул бўлади?

Ҳамро БЕГАЛИЕВ,
Шаҳрисабз туманидаги «Ҳисор» ширкат хўжалиги.

— Дарвоқе, бўладиган сайлов, сайланажак депутатларнинг ваколатлари ва вазифалари, ўз навбатида масъулиятлари ҳам бошқачадир. Бундан буён Олий Мажлис профессионал парламент сифатида иш олиб боради. Илгаригидек, тармоқларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни эмас, балки Қонун чиқарувчи палата томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларини муҳокама этади ва қабул қилади. Сўнг юқори палата — Сенатга тақдим этади. Шунинг учун ҳам кўп партиявийлик асосида ташкил топиши лозим бўлган Қонунчилик палатасига муносиб шахсларни, чуқур билим ва ёрқин фикрли, катта ҳаёт тажрибасига эга ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, сиёсат майдонида ном чиқарганлар, тарихчилар ва халқ хўжалигининг бошқа муҳим соҳаларидан мутахассисларнинг номзодлари кўрсатилса, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Қўшма мажлисларда сайланадиган Сенат аъзоларими ёхуд кўппартиявийлик асосида сайланадиган номзодми, қатъи назар, бу масалага ўта масъулият билан қараб, фақат депутат бўлиш орзуси билан эмас, балки «Мен депутатликка муносибманми, илмий, амалий тажрибаларим етарлими, шундай ваколатни бажариш қобилиятига эгаманми?» деган саволларга виждонан жавоб бериши зарур.

Депутатликка номзодлар жуда ҳалол, холис, давлат, жамият ва халқига содиқ, зиёли ва ўта маданиятли кишилар бўлишлиги ўтажак сайловларнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Бинобарин, ҳокимият учун кураш деганда халқпарварлик, келажаги порлоқ мамлакатимизнинг одил ва пухта қонунларини яратиш қобилиятига эга бўлган кишиларнинг депутатликка сайланиши тушунилади.

— Дейлик, сайлов участкаларида бирон-бир қонунбузарлик содир этилди. Биз, оддий сайловчилар ҳам бу кўнгилсизликни бартараф этиш учун ҳуқуқ идораларига мурожаат этсак, арзимиз инобатга олинадими?

Тўхта АСАДОВ,
Жондор туманидаги Ҳамза номли жамоа хўжалиги.

— Сайловнинг барча босқичи қонунларимизда белгиланган тартиб асосида ўтади ва ташкил қилинади. Шунинг учун ҳам бошқа ҳуқуқ идораси каби судьяларимиз ҳам бу борадаги қонунларни мукаммал эгаллаб, тегишли жойларда маслаҳатларини беришлари, табиий. Шунингдек, судларга сайловчилар ёки номзодлар томонидан тегишли аризалар тушиши эҳтимолдан холи эмас. Сизнинг саволингиздан келиб чиқиб эслатиб ўтмоқчиманки, у ҳам бўлса сайловга оид аризаларга алоҳида эътибор берилиши ва қонунда кўрсатилганидек, зудлик билан ўз муддатида кўрилишини таъминлаш шарт. Умуман олганда, судларнинг ҳар қандай аризани қабул қилишлари бу — қонун талаби. Айниқса, сайловга оид аризани рад этиш ёки сансоларликка йўл қўйиш асло мумкин эмас.

Қ. ЭШМАТОВ тайёрлади.

Мен кимга овоз бераман?

Дабдурустдан шу саволни ўзимга бердим. Ўйлаб қолдим. Тўғри, ҳали депутатликка номзодлар эълон қилингани йўқ. Лекин мен сайловда қандай номзодни қўллайман? Саволга қўшилиб хаёлимда яна саволлар айланди. Аввало, бўлажак сайловдан кейин вужудга келадиган икки палатали парламент нима? Қонунчилик палатаси-чи? Сенат, сенатор деганда ким ва нимани тушунаман? Булар ҳақида тасаввурга эга бўлмасам, сайловчи сифатида жамият олдидаги бурчимни бажара олмайман-ку?

Назаримда, бугун ҳар бир сайловчи шу каби саволларга жавоб бера олиши зарур. Чунки жамият чинакам янги давр арафасида экан, фуқароларнинг фаоллигига эҳтиёж сезади. Ана шу эҳтиёжни қондириш эса сайловчининг бурчи. Маълумотларга қараганда, жаҳоннинг 76 мамлакати қонун чиқарувчи олий органи икки палатали парламент сифатида фаолият кўрсатади. Бундан Олий Мажлисда ўтказилаётган ислоҳот халқимизнинг айни дилидаги мақсадни рўёбга чиқариш борасида ташланган катта қадам эканлиги аён бўлади. Лекин шуни алоҳида айтиб ўтиш керак, профессионал парламент таркибини бўлажак сайловларда халқимиз хоҳиш-иродаси белгилаб беради. Аниқроқ қилиб айтганда, сайловчи сифатида ҳуқуқий имкониятдан онгли равишда фойдаланишимиз Олий Мажлиснинг профессионал жиҳатдан шаклланишига ҳисса бўлиб қўшилади.

Энди масалага шу жиҳатдан ёндашиб «Депутат ўзи ким?» деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Аввало, биз Президентимиз раҳнамолигида эркин фуқаролик жамияти барпо этаётганимизни айтиб ўтиш жоиз. Биласиз, демократик тамойилларга асосланган бундай жамиятни қонунлар бошқаради. Қонунларни эса сизу биз сайлаган депутатлар тайёрлайди. Хўш, унда депутатлик мартабами ёки мансаб? Йўқ, менимча, халқ ишончини қозониш учун зиммага олинган катта масъулият. Чунки у қонунлар тайёрлашда иштирок этаётганда, бу ҳужжат, биринчи навбатда, халқига қай даражада наф келтиришини ўйлаши зарур. Айниқса, қонунлар лойиҳалари муҳокамасида қатнашаётганида сайловчилар манфаатидан келиб чиқиши унинг эл ишончини оқлашидаги саъй-ҳаракатини кўрсатади.

Сайловда депутатликка номзодлар орасидан муносибларини танлашда қуйи палата депутати фаолияти асосан қонунлар тайёрлашга қаратилишини инобатга олиш зарур. Бунда депутат қанчалик касбий ва ҳаётий тажрибага эга, мустақил шахс сифатида мулоҳазаси бор, етук мутахассис бўлса, айниқса, замонавий илм-фандан, техника янгиликларидан бохабар эканлиги ҳам айни муддао. Шунингдек, депутатнинг фикри юзасидан баҳс-мунозарага киришишга қанчалик қодирлиги ҳам аҳамият касб этади. Негаки, фикрлар айнан тортишувлар жараёнида пишийди, тиниқлашади. Бундай таркибда шаклланган парламент эса ҳақиқий профессионал парламент сифатида ном қозонади. Эрта бир кун Олий Мажлис ҳам шундай шаклланса, албатта, унда қабул қилинган қонунлар туриш-турмушимизнинг қай даражада бўлишини белгилаб беради.

Энди сўзимиз аввалида айтиб ўтган саволларга келсак. Сиёсий ҳуқуқимиздан фойдаланиб, сайловда қанчалик масъулият билан ёндашишимиз жамиятда давлатни бошқаришдаги иштирокимизни белгилайди? Демак, бўлажак сайловда депутатликка номзодлар орасидан энг муносибларига овоз бер-саккина ўз фуқаролик бурчимизни адо этган бўламиз.

Худойберди ЭШМАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 2 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	782,21	1 Канада доллари	859,07	1 ЕВРО	1337,15
1 Англия фунт стерлинги	1921,51	1 Хитой юани	126,49	10 Жанубий Корея вони	9,38
1 Дания кронаси	180,05	1 Малайзия ринггити	275,53	10 Япония иенаси	98,62
1 БАА дирҳами	285,02	1 Польша злотийси	309,99	1 Россия рубли	36,39
1 АҚШ доллари	1046,86	1 СДР	1569,01	1 Украина гривнаси	197,28
1 Миср фунти	168,04	1000 Туркия лираси	0,71		
1 Исландия кронаси	15,17	1 Швейцария франки	874,20		

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Шу йил ёз фаслида Қизириқ туманига бориб, бир ҳолатни кузатдик: ҳамманинг тилида — пахта. Пахта етиштирадиган каттароқ жамоага каттароқ, кичикроғига кичикроқ ташкилотнинг раҳбари вакил. Суғуртачигами, электр тармоғи бошлиғи ё шифокоргами дуч келсангиз, пахта даласидан қайтаяпман ёки далага шошаяпман, дейди. Вакилнинг вазифаси аниқ: кўрганларини тегишли идорага маълум қилади. Шу ахборот таҳлил этилади. Таҳлиллар мажлисларга айланиб кетади. Жўшқин ва ўткир руҳда ўтган мажлисдан сўнг кишининг кўнглида беихтиёр «Ишлар бу йил, албатта, беш бўлади» деган умид пайдо бўлади.

Қизириқ қачонгача «қизаради?»

Шундай «сафарбарлик»ни кўрганимиздан сўнг биз ҳам «12 йилдан буён маррага етолмай келаётган Қизириқ тумани 2004 йилда пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини сўзсиз бажарса керак» деб ўйлаганмиз, шунга ишонганмиз.

Йўқ, афсуски, бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида ҳам оз эмас, 37 минг тонна пахта етиштириши лозим бўлган Қизириқ катта пойгадан ортда қолди. Ҳали шартнома режаси 75-80 фоизга етмасдан, далалар шалдираб қолди. Гап кўп. Пахтани тераман, деган одам бисёр, лекин ҳосил кам...

Хўш, сув, ўғит, ёнилғи ва бошқа ресурслар таъминотида деярли жиддий қусур кўрмаган Қизириқ пахтачилигига яна нима бўлди?

Туманда 7 та ширкат хўжалиги ва 411 та фермер хўжалиги пахтачилик билан шуғулланади. Асосий ер, асосий юк фермерларнинг зиммасида: улар 37 минг тонна пахтанинг 26 минг тоннасини етиштиришлари керак.

Шартнома режасини юз фоиздан оширган фермерлар ҳам талайгина. Хусусан, «Қорақасмоқ» фермер хўжалиги 280 гектар ердан салкам 1000 тонна пахта йиғиштириб олган. «Саид бобо», «Ўроз Чопағон», «Алмурод Ёқубов» каби ўнлаб фермер хўжаликларининг пахтакорлари ҳам маррадан ўзиб, эл-улус олдида ёруғ юз билан юришибди.

Аммо «Ҳусан Шодмоний» фермер хўжалиги — Қизириқда қолоқларнинг қолоғи. У 2004 йил 14 майда туман ҳокимининг 285-қарори билан ташкил этилиб, 12 гектар ер ажратилган. Фермер хўжалигининг раҳбари Шодмон Тожиев шу майдоннинг 6,5 гектарига чигит экиб, давлатга 19,2 тонна пахта сотиш юзасидан тузилган шартномани имзолаган. Ва, табиийки, ўғит, ёнилғи ва бошқа ресурслар учун қарз кўтарган.

Афсуски, сунбула ўтиб, мезон ўтиб, ақраб ойи кирибдики, фермер хўжалиги давлатга бир килограмм ҳам пахта топширмабди. Далада Шодмонбой тугул аъзоларидан ҳам ҳеч ким йўқ. Дала четида чалғи билан янтоқ ўраётган, ўзини «тракторчиман» деб таништирган Дониёр Бозоровнинг айтишича, «Ҳусан Шодмоний» ерни кеч олган. Май ойида ерни бир бало қилиб пийпалаб, чигит эккан. Шу боис пахта бўлмаган. На ягана, на чеканка қилинмаган, ишлов кўрмаган ғўзадан қандай қилиб ҳосил кутиш мумкин?

Туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Асқар Тўраев нафақат Шодмон Тожиевни, балки «Қизириқ дарё», «Кураш бобо», «Шабада» фермер хўжаликлари бошлиқларини ҳам тополмаётганидан нолиб, юқорироқ ташкилотга шикоят хати ёзганини эслайди. Негаки, улар ҳам баҳорда қоп-қоп ваъдалар берган-у, уларнинг ижросига келганда, «қовун туширгандар»дан экан...

«Жарқўрғон» фермер хўжалигида тажриба олиб бораётган олим, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Чори Чўтпўлатов билан суҳбатлашамиз. Чўтпўлатовнинг жавоби мухтасар бўлади:

- Ер, зироат қуруқ гапга, ёлғонга учмайди. Ростакамига замин билан тиллашиб ишлаганнинг мартабасини эса зироат улуғ қилади. «Жарқўрғон» фермер хўжалиги, масалан, ҳосилдорликни 50 центнерга етказди!

Бу гап изоҳ талаб қилмаса керак.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Украинада кураш давом этади, АҚШда эса...

Кеча Украинада президентлик сайлови бўлиб ўтди. Унда мамлакат тарихида энг кўп — 24 номзод давлат раҳбарлиги учун кураш олиб борди. Сайловда Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, Европарламент ва Европа кенгашидан жами 600 нафардан кўпроқ кузатувчилар қатнашди. Уларнинг 45 нафари эса Украинага 14 октябрда келган ва шундан буён кузатув ишларини олиб бораётган эди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, сайловда рўйхатга олинганларнинг 76,38 фоизи иштирок этган. Кутилганидек, асосий кураш икки номзод — амалдаги бош вазир Виктор Янукович ва "Бизнинг Украина" сиёсий блоки етакчиси Виктор Ющенко ўртасида бўлди. Сайловолди жараёнларида ҳар икки номзод ҳам сайловчиларга катта ваъдалар берганидан хабарингиз бор. В.Ющенко Украинани Ғарбга яқинлаштиришини айтган бўлса, В.Янукович амалдаги президент Леонид Кучма бошлаган ислоҳотларни давом эттириш, собиқ иттифоқ давлатлари, хусусан, Россия билан алоқаларни кенгайтириш ғояларини илгари сурганди.

Албатта, Украинадаги сайловлар якунидан Ғарб давлатлари ҳам, Россия ҳам манфаатдор эканлигини яширмаяпти. Россия президенти Владимир Путин сайлов арафасида Киевга ташриф буюрди. Ҳатто украин халқи билан телевидение орқали мулоқот ҳам ўтказди. Бундан ташқари, Россия ҳукумати мамлакатга келиб-кетувчи Украина фуқаролари учун бир қанча енгилликлар берилишини маълум қилди. Жумладан, энди улар қўшни давлатда 90 кунгача рўйхатдан ўтмасдан бемалол юришлари мумкин. Норасмий маълумотларга қараганда, ҳозир миллионлаб украинлар Россия корхоналарида ишлашаяпти.

Газета нашрга берилаётган пайтгача бўлган натижаларга кўра, сайловда Виктор Янукович тарафдорлари кўпчиликни ташкил этган. У 40,12 фоиз сайловчилар овозини тўплашга муваффақ бўлган. Рақиби Виктор Ющенкони эса 39,15 фоиз сайловчилар қўллаб-қувватлаган. Социалистлар етакчиси Александр Мороз 5,77 фоиз, Коммунистик партия

номзоди Петр Симоненко 5,02 фоиз овоз олган. Шундай қилиб, Украина қонунларига кўра, ҳеч ким 50 фоиздан кўпроқ сайловчи овозига эга бўла олмагани учун 21 ноябрь куни сайловнинг иккинчи тури ўтказилади.

Украинада сайлов якунланган бўлса, океан орти — АҚШда бугун ушбу жараён бошланади. Экспертлар ҳар икки номзод — Жорж Буш ва Жон Керрининг ҳам имкониятлари тенг эканлигини таъкидламоқдалар.

Сайловга уч кун қолганда биринчи рақамли террорчи Усома бин Лодин яна "Ал-жазира" телеканалида пайдо бўлди. У 2001 йилда АҚШда содир этилган террорчиликни бўйнига олибгина қолмай, яқинда бундан ҳам даҳшатлироқ хунрезликлар қилишга тайёргарлик кўраётганини айтди.

Бин Лодин бу билан Ж.Бушнинг обрўсини тўкишга ҳаракат қилган бўлса-да, мутахассислар унинг яна пайдо бўлишини амалдаги президент фойдасига эканлигини қайд этишмоқда. Чунки Ж.Бушнинг сайловолди дастуридаги асосий масалалардан бири халқаро терроризмни таг-томири билан тугатиш эди. Бин Лодин Америкада яна террор уюштиришни режалаштираётган экан, демак АҚШ халқи учун Жорж Буш ҳали керак, дейишмоқда сиёсатчилар.

Экспертларнинг фикрича, сайловда овоз берувчиларнинг 58-60 фоизи қатнашиши кутилаяпти. Бунчалик фаолликни сайловолди дебатларининг қизиқарли ўтгани билан боғлашмоқда экспертлар. Уларнинг гапи тасдиқланадиган бўлса, бу 1968 йилдан кейинги энг юқори кўрсаткич бўлади. Ўша йили бўлиб ўтган сайловда аҳолининг 58,1 фоизи иштирок этган эди. 2000 йилги сайловда эса 106 миллион, яъни 54 фоиз овоз берувчи сайлов участкаларига келиб, номзодларга ўз муносабатини билдирганди.

Номзодлар сайловолди жараёнида ўз тарафдорларини кўпайтириш учун турли йўлларни излашди. АҚШ сайловчилар фикрини ўрганиш қўмитасининг директори Кертис Ханснинг таъкидлашича, сайловда республикачиларни 4 миллионга яқин евангел-христианлар ҳам қўллаб-қувватлайди. Улар аввалги сайловда иштирок этишмаганди. Республикачилар яна ҳарбийларга ҳам таяниши мумкин. Демократлар эса кўпроқ 30 ёшгача бўлган сайловчилардан нажот кутмоқда.

Булар ҳаммаси мутахассислар, шарҳловчилар, журналистлар, экспертлар тахминлари, фаразлари, албатта. Сайловда ҳамма нарсани овоз берувчи ҳал этади. Шундай экан, эртагача кутиб турсак, кейинги тўрт йилда АҚШга раҳбарлик қиладиган етакчи номи маълум бўлади.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

«Ҳизбут таҳрир» фаоллари ҳибсга олинди

Покистон полицияси томонидан ўтказилган операциялар натижасида «Ҳизбут таҳрир» террорчи ташкилотининг 38 нафар фаоллари қўлга олинди, дея хабар беради «Ньюс» газетаси. Мазкур операциялар жума куни Лахор, Карачи ва Равалпинди шаҳарларида ташкилот тарафдорлари Ироқ халқига бирдамлик рамзи сифатида аксиламерика митинглари ўтказишни режалаштираётган бир пайтда амалга оширилди.

Гуруҳ 1953 йилда Қуддусда ташкил этилган. Айни пайтда у бутун дунё бўйлаб, шу жумладан АҚШ ва Буюк Британияда ҳам кенг тармоқли бўлимларга эга. Ташкилот таркибига мусулмонлар яшайдиган барча ҳудудлар кириши лозим бўлган исломий халифалик тузиш учун кураш олиб бормоқда. Покистонда «Ҳизбут таҳрир» фаолияти ҳукуматга қарши ҳаракатлари туфайли 2003 йил ноябрь ойида тақиқланган.

Ўрмонлар ёнмоқда

Приморье ўлкасида 163 гектар майдондаги ўрмон ёнмоқда. Бу ҳақда маҳаллий ҳукумат вакили хабар берди. Манбада таъкидланишича, ҳозирда ёнғин аҳоли пунктларига ҳамда ишлаб чиқариш обьектларига хавф туғдираётгани йўқ.

Ўлка ўрмонларидаги ёнғин 2003 йилга таққослаганда, уч маротаба қисқарган. Мутахассисларнинг тушунтиришича, об-ҳавонинг қулай келиши ҳам ёнғинларнинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Террор хавфи

АҚШ ҳукумати Скандинавия ва Болтиқбўйи давлатларида террорчилик ҳаракати бўлиши эҳтимоли борлиги учун ўша мамлакатлардаги ўз фуқароларини огоҳлантирди. Давлат департаменти Финляндия ва Эстониядаги элчихоналарига ҳамда бир неча Америка компанияларига махсус маълумотнома жўнатган. Унда ҳар бир америкалик фуқаро ҳушёр бўлишга чақирилган.

Коинотда беш кун

2005 йилда Хитой коинотга икки фазогирини учирмоқчи. Улар беш кун мобайнида самода бўлиб, космик тадқиқотлар дастури асосида илмий изланишлар олиб боришади. Бу ҳақда Хитой маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди.

Ҳарбийлар сони кўпаяди

Грузия Ироқда фаолият олиб бораётган ўз ҳарбийлари сонини кўпайтирмоқда. Мамлакат мудофаа вазирлиги берган маълумотга кўра, ноябрь ойи ўрталарига қадар 300 нафар грузиялик аскар Ироққа жўнатилади. Мазкур ҳарбийлар 2002-2004 йилларда америкалик инструкторлар ёрдамида махсус ўқув курсларини ўташган. Айни пайтда 159 нафар грузиялик аскарлар Тикрит ва Бейжи шаҳарларидаги муҳим стратегик иншоотларни қўриқламоқда.

БМТ ходимлари гаровда

Афғонистонда БМТнинг уч нафар ходими гаровга олинди. «Ислом армияси» вакили мабодо Америка қамоқхоналарида сақланаёган «Толибон» ва «Ал-Қоида» аъзолари чоршанба кунига қадар озод этилмаса, гаровдагилар қатл этилишини маълум қилди. Бундан ташқари, жангарилар Афғонистонда БМТ фаолиятини тўхтатишни ҳам талаб қилишган.

Гаровдагилар Филиппин, Сербия ва Черногория фуқароларидир.

Яккаланиб қолмаслик учун

Англияда чоп этиладиган The Independent газетасининг хабар беришича, мамлакат бош вазири Тони Блэр ўзининг энг яқин ёрдамчисини АҚШ президентлиги учун ўз номзодини қўйган Жон Керри билан учрашувга жўнатди. Бундан мақсад Керри билан яқин алоқа ўрнатишдир.

The Independentнинг қайд этишича, Блэр сайловда Жорж Буш ютқазиб қўядиган бўлса, яккаланиб қолишдан хавотирда.

Олтита қабр топилди

Франциялик археологлар Мисрда олтита қадимий қабрдан мўмиёланган жасадлар топишди. Қабрлар мамлакат жанубида жойлашган. Мисрда чоп этиладиган «Ахбар» газетасининг хабар беришича, мазкур топилма археология фанини янги маълумотлар билан бойитади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Эшитдингизми?

Клинтон Бош котиб бўлмоқчи

АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон БМТ Бош котиблигига ўз номзодини қўймоқчи. Бу ҳақда United Press International агентлигига унга яқин бўлган киши хабар берган. 2006 йилнинг бошида амалдаги Бош котиб Кофи Аннаннинг ваколат муддати тугайди.

«Вашингтон таймс» газетасининг ёзишича, Б.Клинтоннинг номзодини БМТга аъзоси бўлган кўплаб мамлакатлар, жумладан, учинчи дунё давлатлари вакиллари қўллаб-қувватлаши аниқ. Чунки у бугун бироз мавқеини йўқотган халқаро ташкилотнинг ишини жонлантириб юбориши мумкин.

БМТ экспертларининг таъкидлашича, яқин шарқлик Бутрос Бутрос Ғолий ва африкалик Кофи Аннандан сўнг Бош котиблик навбати Осиё қитъасига келган. Ҳозирча ҳеч ким бирон-бир аниқ таклиф ёки расмий баёнот билдиргани йўқ. Аммо Хитой бу лавозимга Таиланд ташқи ишлар вазири Суракиарта Сатиратаи номзодини илгари суришга тайёргарлик кўрмоқда. Мутахассисларнинг қайд этишича, унинг номзодини АҚШ ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин. Экспертлар, агар Бош котибликка Клинтон номзоди, ҳақиқатан ҳам, қўйиладиган бўлса, Хитой ўз қарорини ўзгартириши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

Маълумки, БМТ АҚШда жойлашган. Бундан ташқари, харажатларнинг каттагина қисмини Америка тўлайди. Лекин ташкилот очилгандан буён, бирор марта ушбу мамлакат фуқароси БМТ Бош котиби бўлмаган.

Яқин-яқингача Билл Клинтон "Учинчи йўл" деб номланувчи социал-демократик ташкилотни бошқаради, деган тахминлар бор эди. У бу ташкилотни Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ва Германия канцлери Герхард Шрёдер билан тузишга келишиб олганди. Аммо Ироқ масаласида Т. Блэр ва Г.Шрёдер ўртасидаги келишмовчилик туфайли бу сиёсий алянс тузилмай қолди.

Собиқ президент ўз лавозимидан кетгандан сўнг хотираларини қоғозга туширди. Сўнгги маълумотларга қараганда, китобнинг 1,9 миллион нусхаси сотиб бўлинган. Б.Клинтон бу асар ҳам унинг Бош котиб бўлишига ёрдам бериши мумкинлигини айтмоқда. Боиси, у бу мемуарида жуда кўп халқаро масалаларга ўз муносабатини билдирган.

Хуллас, собиқ президентда БМТ бош котиби бўлиш учун имкониятлар етарли. Лекин масаланинг яна битта нозик томони бор. Бу ҳам бўлса, бугун АҚШда бўлиб ўтаётган сайловда ким ғолиб чиқишидир. Агар Жон Керри ғалаба қозонадиган бўлса, Б.Клинтон номзоди кўрсатилиши аниқ бўлиб қолади. Аммо Ж.Буш ўз ўрнида қолса, масала бироз мураккаблашади. Чунки БМТ Бош котиблигига номзодни ҳукумат кўрсатиши лозим. Клинтон эса сайловда Жон Керри тарафида турибди.

Мутахассисларнинг фикрича, БМТга бугун Билл Клинтон каби ғайратли ва фаол раҳбар зарур. Шунда унинг мавқеи яна ҳам мустаҳкамланиб, обрўси ошади.

Б. УММАТОВ.

Янги атом реактори яратилди

унда фалокат хавфи ўн баробар кам

Шу пайтга қадар атом энергетикаси соҳасида иш олиб бораётган барча давлатлар олимларга биринчи навбатда юқори даражадаги хавфсизликни таъминлаш шартини қўяётган эдилар. Айнан шу шартларга жавоб бера оладиган реактор франциялик олимлар томонидан яратилди. EPR — «Европанинг босим остидаги сув реактори» дея номланган ушбу реактор гарчи энергетикада инқилоб ясамаган бўлса-да, ҳозирча ўта юқори баҳоланмоқда.

90-йиллар бошида Ядро хавфсизлиги бошқармасининг асосий эътибори шундай йўналишдаги реакторларга қаратилган, улар XXI аср ядро реакторларини яратишда ҳар хил «ғаройиб» башоратларга эмас, балки олдиндан маълум бўлган, синалган технологияларга асосланиш ишончлироқ, деган қарорга келган эди.

Таъкидлаш лозимки, бу ерда гап ядро технологиялари ва реакторлари имкониятларидан қурол ўрнида эмас, балки энергия манбаи сифатида фойдаланиш ҳақида бормоқда. EPRни яратишда ҳам АЭС (атом электр станцияси)ларнинг хавфсизлик даражасини ошириш, яъни ураннинг реактор марказидаги бирикишига боғлиқ фалокат хавфини камайтириш, шунингдек, унга ходимлар олиши мумкин бўлган нурланиш даражаси ва атроф-муҳитга радиоактив чиқиндилар чиқишини камайтириш сингари талаблар ҳам қўйилган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, EPR бу талабларга тўла жавоб беради. Шу боис уни учинчи авлод ядро реактори, деб айтиш мумкин. Унда фалокат хавфи ўн баробар камайтирилган, самарадорлик икки баробар юқори ва уран ёнилғиси энг кам миқдорда сарфланади. Битта реакторнинг қуввати эса 1600 мегаваттга тенг (*қиёслаш учун, бу энергия бир вақтнинг ўзида 16 миллион дона лампочкани ёндириши мумкин*).

Реакторнинг хавфсизлик даражаси уни ҳимоялаб турувчи қалинлиги 1,3 метрлик бетон қатлам ҳисобига таъминланади. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир бўлган террорчиликлардан сўнг (террорчилар самолётлардан бирини АЭСга олиб бориб уришни режалаштирган эди), Германия ядро хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан хавфсизлик даражасида шундай ҳолатлар ҳам инобатга олинадиган бўлди. EPR ҳатто энг тез учадиган «Фантом»-F4 ҳарбий самолётининг зарбасига ҳам дош бера олади.

Le Figaro газетасининг ёзишича, «Ядро энергетикасидан чиқиш» халқаро табиатни муҳофаза қилиш уюшмасининг норозиликларига қарамасдан, AREVA компанияси томонидан ишлаб чиқарилган EPR реактори Ядро хавфсизлиги бошқармаси томонидан барча талабларга жавоб беради, деб расман эълон қилинди.

Ботиржон ҒОФУРОВ

Талаб камаймоқда

Дунё давлатлари ўртасида қурол-яроғ савдоси йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу ҳақда АҚШ Конгрессининг тадқиқот хизмати маълум қилди. 2002 йилда 29,14 миллиард долларлик қурол сотилган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 25,6 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг сабаби давлатлар ўртасида сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг кенгайиб бораётганлигидадир. Шуниси ажабланарлики, қурол сотиб олишда ривожланаётган давлатлар етакчилик қилмоқда.

Ўтган йили жаҳон қурол-яроғ бозорида АҚШ биринчи ўринни эгаллади. Имзоланган шартномаларнинг 14,5 миллиард доллари ёки 56,7 фоизи шу мамлакат ҳиссасига тўғри келади. 2002 йилда 13,6 миллиард долларлик шартномалар имзоланганди.

Маърузада таъкидланишича, АҚШ ва Россия биргаликда 2003 йилда жами 18 миллиард долларлик (73 фоиз) қурол сотишган.

Тадқиқот хизмати тўплаган статистик маълумотларига эътибор берсак, 2000 йилдан бошлаб қурол сотиб олиш учун буюртмалар сезиларли тарзда қисқариб бормоқда.

Сўнгги пайтларда ривожланган давлатлар ўзларида қурол ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга уринмоқда. Бу эса ўз-ўзидан бошқа давлатлардан қурол сотиб олишни чегаралайди.

2003 йилда қурол сотиш бўйича Германия учинчи, Франция тўртинчи, Италия бешинчи, Хитой олтинчи, Буюк Британия еттинчи ўринда турибди.

Маърузада хулоса қилинишича, Яқин Шарқдаги ривожланаётган мамлакатлар қурол сотиб олишни кескин камайтиришга ҳаракат қилаётган бир пайтда Осиё давлатлари ўз бюджетидан каттагина маблағни шу соҳага совуриш билан овора.

Хўш, қайси мамлакатлар миллиардлаб доллар маблағни қурол-яроғга сарфлаяпти?

Маърузада улар рўйхати ҳам келтирилган. 1996-2003 йиллар мобайнида Бирлашган Араб Амирликлари жами 15,7 миллиард доллар, Хитой 13,7 миллиард доллар, Миср 13,6 миллиард доллар, Ҳиндистон 12,6 миллиард доллар, Исроил 9,9 миллиард доллар, Саудия Арабистони 9,4 миллиард доллар, Жанубий Корея 8,8 миллиард доллар, Жанубий Африка Республикаси 5,3 миллиард доллар, Малайзия 5 миллиард доллар, Покистон 3,8 миллиард доллар маблағни мамлакат мудофаа қудратини оширишга сарфлашган. Албатта, мазкур давлатлар бюджети учун бу кам маблағ эмас. Бироқ йилдан-йилга бу кўрсаткич камайиб бормоқда. Барқарорликни сақлаш учун давлат раҳбарлари бу йўл нотўғри эканлигини англаётган бўлса, ажабмас.

Юнус БЎРОНОВ.

119 0000
107 0007
ГАЗЕТА ва ЖУРНАЛЛАР
(8500 дан ортиқ номда)
700011, Ўзбекистон, Тошкент ш., Навоий к., 13-уй.
http://www.interpress.uz book@interpress.uz
БИЗДА АРЗОН НАРХЛАР
КИТОБЛАР
(30000 дан ортиқ номда)
155 0955
155 3555

Организация реализует со склада вТашкенте:
КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП и т.д.)
ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ
(ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)
СВЕТИЛЬНИКИ
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)
ЛАМПЫ
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)
ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ
700015, г. Ташкент
ул. Нукусская, 29 д,
дом быта "Узбекистан", 5-й этаж.
Т./ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича кундузги аспирантурага қабул эълон қилади:
• Маданий-маърифий фаолият назарияси, усулиёти ва уни ташкил қилиш;
• Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик.
Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
Мурожаат учун манзил:
700164, Тошкент ш., Ялангоч даҳаси, 127-«А» уй.
Телефонлар: 162-03-23, 162-38-33.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ, ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ
2004 йил учун 08.00.10. — «Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисоди» мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул эълон қилади.
Ҳужжатлар ушбу эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш сўралади: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Талабалар кўчаси, 91-уй.
Телефонлар: 46-83-01, 46-61-54.

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ
Ҳурматли акциядорлар !
Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва банк кенгаши томонидан 2004 йил 1 ноябрь куни қабул қилинган қарорга биноан имтиёзли акциялар бўйича йиллик 40 фоиз ҳисобидан 2004 йил 3-чораги учун 10 фоиз миқдоридаги оралиқ дивиденд тўланиши тўғрисида эълон қилади.
Дивидендларни 2004 йил 30 сентябрь ҳолатига ёпилган акциядорларнинг реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар олишлари мумкин. Дивидендларни олишга доир бўлган масалалар бўйича «Ўзсаноаткурилишбанк»нинг тегишли филиалларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.
Ҳурмат ва эҳтиром билан банк кенгаши.

Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов саҳнада олтмишдан ошиқ, экран талқинида ўттизга яқин, телевидениеда юздан зиёд ролларни ижро этган санъаткор. Мана, қарийб қирқ саккиз йилдан буён театр саҳнасида жонбозлик кўрсатиб келаётир. 1956 йилдан бери собиқ Ҳамза, ҳозирги миллий академик драма театрида ижод қилиб келаётган санъаткорнинг ижод йўлига назар соладиган бўлсак, у асосан етакчи образлар талқинчиси эканлигига гувоҳ бўламиз.

«Отелло»нинг жияни

Актёр яратган Йўлчи («Қутлуғ қон» 1964 й.), Монсерро («Ўлимдан кучли» 1967 й.), Гофур («Бой ила хизматчи», 1964 й.), Улуғбек («Мирзо Улуғбек», 1969 й.), Ҳусайн Бойқаро («Алишер Навоий» 1974 й.), Амир Насрулло («Нодирабегим» 1980 й.), Отелло («Отелло» 1984 й.), Лир («Қирол Лир» 1999 й.) каби йирик образлар санъаткорнинг ижродаги имконият даражаси, камолоти ва маҳорати юксаклигидан дарак беради.

Ижодкор ўзига ишониб топширилган ролни ҳар доим сидқидилдан ижро этишга, образни ёркин ифодалаб беришга интилганлиги боис театрнинг машҳур дарғалари эътиборидан четда қолмади. У турфа тақдирларни гўё ўзиники қилиб олиш маҳоратига эга эканлиги билан ҳам ажралиб турарди. Шу боис ҳам куч-ғайратга тўлган, тиниб-тинчимас ижодкорга салмоқли ва залворли образлар ишонч билан юкланар эди.

Аслида, санъаткорнинг театр санъатига қизиқишига тоғаси Аброр Ҳидоятов яратган Отелло образи сабаб бўлган. Йиллар ўтиб, ўз Отеллосини юксак маҳорат билан яратиб, халқ дилига кириб борган санъаткорга айланди.

Дарвоқе, қаҳрамонимизнинг ижодида Шекспир алоҳида ўрин тутади. «Гамлет»да биринчи актёр (1959 й.), «Қирол Лир»да Эдмунд (1966 й.) сингари ролларни меъёрига етказиб ижро этган санъаткор 1999 йилда «Қирол Лир» спектаклини қайта саҳналаштириб, ундаги Лир образини зўр маҳорат билан талқин этди ҳамда мухлису мунаққидлар диққатига яна бир карра сазовор бўлди.

«Сизнинг ижодингизда Шекспир ижоди етакчилик қилиши улуғ инглиз ёзувчисига бўлган ҳурмат белгисими ёки яна бошқа сабаблари ҳам борми?» деб сўраймиз устоз санъаткордан. Суҳбатдошимиз эса шундай жавоб берадилар: «Шекспир ижоди ҳар бир санъаткорнинг шаклланишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Албатта, Шекспир ижодига мурожаат қилгунга қадар актёр ёки режиссёр маълум довонларни ошиб ўтиши керак. Мени Отелло образига тайёрлаган Монсерро ролим десам ҳам бўлаверади. Назаримда, улуғ инглиз ёзувчиси қаҳрамонларини гавдалантиришни орзу қилмаган актёрнинг ўзи бўлмаса керак».

— Атоқли актёрнинг режиссёрлик «кўчасига» кириб боришида-чи? Бунга нима сабаб?» — суҳбатдошимизни яна саволга тутамиз.

— Шахсан менга актёрлик касби «торлик» қилиб қолганлигини ҳис этдим, — дейди ижодкор. — Ва кўп йиллик тажрибамни режиссёрлик билан вобасталиқда олиб боришга аҳд қилдим. Қолаверса, имкониятларимни синаб кўриш фурсати келганлигини англаб етдим.

— Бугунги талаба-ёшлар орасида театрнинг ўша машҳур дарғалари Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев каби санъаткорлар етишиб чиқишига ишонасизми?

— Ҳа, ишонаман. Бунинг учун фақат меҳнат, ўз устида ишлаш ва театрни севиш керак, — дейди қатъий оҳангда суҳбатдошимиз.

Дарвоқе, сермаҳсул ижодкоримизнинг режиссёрлик бобида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари ҳам таҳсинга лойиқ. 1989 йил «Мирзо Улуғбек» тарихий драмасини саҳналаштириш билан режиссёрликка кириб келган Т. Азизов маълум фурсатда ўзини истеъдодли режиссёр эканлигини ҳам исбот этди. У саҳнага қўйган «Алишер Навоий» (1991 й.), «Меҳробдан чаён» (1993 й.), «Чимилдиқ» (1996 й.), «Машраб» (1997 й.), «Қирол Лир» (1999 й.), «Етти фарёд» (1998 й.), «Бир кошона сирлари» (2001 й.), «Гамлет» (2003 й.) сингари турли жанрларда яратилган бадиий-ғоявий жиҳатдан бақувват спектакллар бугунги кунда театр репертуарини безаб, томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Бугун Тоҳир Саидов, Абдураим Абдуваҳобов, Маҳфуза Боботиллаева, Мирзабек Холмедов, Мадина Мухторова, Равшан Жўраев каби кино ва театр санъатининг истеъдодли вакиллари Т. Азизовни ўзларига устоз, деб билишади.

Озода ШОБИЛОЛОВА.

2004 йил 3-6 ноябрь
«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ», ТОШКЕНТ

ТАШКИЛОТЧИЛАР:
- Россия Федерацияси Президентининг Сибирь Федерал округидаги ваколатли вакили аппарати;
- «Сибирское соглашение» минтақаларо уюшмаси;
- «ЭкспоНовосибирск» халқаро кўргазмалар лойиҳалари.

УНИВЕРСАЛ САНОАТ КЎРГАЗМАСИ

СИБИРЬ ВА ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ИШЧИ ФОРУМИ

НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН ЙЎНАЛИШЛАР:
- ёнилғи-энергетика мажмуи;
- электротехника саноати ва машинасозлик;
- кимё саноати ва фармацевтика;
- агросаноат мажмуи, қишлоқ хўжалиги;
- озиқ-овқатлар, қайта ишлаш саноати;
- халқ истеъмоли моллари, маиший техника ишлаб чиқариш, йиғиш ва бутлаш.

Ўтказиш жойи: Тошкент ш., Амир Темур к., 107-уй, «Ўзэкспомарказ».
Телефонлар: 134-45-45, 134-41-33. Факс: 134-54-40, 134-40-88.

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Б.ХИДИРОВА).

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида "Ватаним деб сени уйғондим" мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

ЁШЛАР ВА АДАБИЁТ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда таниқли адабиёт намояндалари, ёш ижодкорлар, талабалар ва бадиий ижод ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда адабиёт, илм-фан ва санъатни ривожлантиришга улкан эътибор қаратилиб, ёш ижодкорларга ўз иқтидорини намоён этиши учун барча шароитлар яратилаётганини таъкидладилар.

«Мулоқот» ҳамроҳингиз бўлсин

Истиқлол ҳаётимизнинг барча жабҳаларига бир олам янгиланишлар олиб келди. Миллий, демократик давлат барпо этиш, янгича сиёсат олиб бориш ва халқаро ҳамжамиятга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиш, аввало, ўзлигимизни англашни талаб этар эди. Мустақилликнинг эълон қилиниши сингари оламшумул воқеа арафасида ташкил этилган «Мулоқот» журнали, табиийки, бундай пайтда зиммасига халқимизнинг ўзлигини англаш ва миллий истиқлол мафкурасини яратишга кўмаклашиш вазифасини олди.

Журнал ўзининг илк сонлариданоқ унутилаёзган анъаналаримиз, урф-одатларимизнинг мазмун-моҳияти тўғрисида мақолалар бера бошлади. Айниқса, тарихимиз тўғрисидаги, тарихий шахслар, буюк сиймолар ҳақидаги чиқишлар, шунингдек, маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган дин ва тасаввуф фалсафасининг моҳияти борасидаги мақолалар жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этди. Мана шу тарзда

«Обуна-2005»

журналнинг ўз муштарийлари, ўқувчилари пайдо бўлди.

Журналнинг илк муштарийлари тарихимизга, қадриятларимизга, миллий меросимизга қизиқувчи ва бу борада таълим олаётган талабалар бўлди. Кўпгина дарсликлар дунёга келгунига қадар «Мулоқот» улар учун беминнат дарслик, қўшимча манба вазифасини ўтади. Янги «Мулоқот» оила даврасига ўзининг «Шарқнинг буюк мутасаввуфлари», «Инсонийлик ҳақида ўйлар», «Мўътабар сиймолар», «Шарқ илми хазинасидан», «Мерос», «Маънавият булоқлари», «Ислом ва маданият», «Иймон» сингари рукнлари билан одоб-ахлоқ ва иймон-адолат олиб киради.

«Мулоқот» давримизнинг бозор иқтисодиёти, илм-фан уфқлари, ёшлар тарбияси, ахлоқ ва одоб сингари долзарб муаммоларини мунтазам ёритиб келади. Ҳар бир саҳифа фалсафамиз дурдоналари, ҳикматлар, ҳадислар, ажойиботлар ва фойдали маслаҳатлар билан бойитилади, муштарийга катта маънавий қудрат ва руҳий баркамоллик бахш этади. Шунинг учун «Мулоқот»га обуна бўлиб, унинг муштарийлари сафига қўшилинг.

Нормўмин ОЧИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

2004 ЙИЛ УЧУН «МАКРОИҚТИСОДИЁТ» (агросаноат мажмуида) ихтисослиги бўйича
КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳужжатлар эълон чиққандан бошлаб йигирма кун муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

700097, Тошкент ш., Халқлар дўстлиги к., 28-уй, 2-қават, 5-хона, аспирантура бўлими. Телефонлар: 76-86-44, 117-50-16.

Ўзбекистон Республикаси ишбилармон аёллари диққатига!
Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилганлиги туфайли нотижорат
«Меҳр Нури» ижтимоий хайр-саховат фонди
ТИКУВЧИЛИК ВА МАИШИЙ ХИЗМАТЛАР
йўналишлари бўйича энг яхши бизнес-лойиҳа учун
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендерда фақат Ўзбекистон резидентлари қатнашиши мумкин.

Тендерда иштирок этувчилар 2004 йил 17 декабргача бизнес-режа ва техник-иқтисодий асослар билан тасдиқланган лойиҳани тақдим этишлари лозим. Тендернинг мажбурий шарти — аҳолини камида 15-20 иш жойи билан таъминлаш.

Иккита энг яхши лойиҳа танлаб олинади.

Юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича тендер ғолибларига асбоб-ускуна, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун молиявий ёрдам ажратиб берилади.

Лойиҳа бўйича таклифларни қабул қилиш манзили: Тошкент ш., Миробод тумани, Д.Кунаев к., 25-уй.
Телефон: 156-41-49.

Ўзбекистон Республикаси ишбилармон аёллари диққатига!
Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилганлиги туфайли нотижорат
«Меҳр Нури» ижтимоий хайр-саховат фонди
УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
йўналишлари бўйича энг яхши бизнес-лойиҳа учун
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендерда фақат Ўзбекистон резидентлари қатнашиши мумкин.

Тендерда иштирок этувчилар 2004 йил 17 декабргача бизнес-режа ва техник-иқтисодий асослар билан тасдиқланган лойиҳани тақдим этишлари лозим. Тендернинг мажбурий шарти — аҳолини камида 10-15 иш жойи билан таъминлаш.

Иккита энг яхши лойиҳа танлаб олинади.

Юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича тендер ғолибларига асбоб-ускуна, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун молиявий ёрдам ажратиб берилади.



Лойиҳа бўйича таклифларни қабул қилиш манзили: Тошкент ш., Миробод тумани, Д.Кунаев к., 25-уй. Телефон: 156-41-49.

Спорт

НАФОСАТ КЎРИГИ ЯКУНЛАНДИ

ФАРҒОНА. (ЎзА мухбири М.СУЛАЙМОНОВ).

Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги баҳсларида қирқ нафар спортчи иштирок этди.

Мусобақанинг айнан Фарғонада ўтказилиши бежиз эмас.

Вилоятда ушбу спорт турини ривожлантириш ва унга ёшларни оммавий равишда жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уч юздан зиёд қизнинг бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланаётгани, махсус бадиий гимнастика спорт мактаби фаолият юритаётгани бунинг далилидир.

Ўзбекистон кубоги беллашувларида Тошкент шаҳри вакиласи Олеся Ашаева мусобақанинг мутлақ ғолибаси бўлди. Кейинги совринли ўринлар навоийлик Анастасия Берестецкая ҳамда пойтахтлик Рита Алимовага насиб этди.

«O`ZBEKKO`MIR» OAJ
барча истеъмолчиларга шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган кўмир нархини декларация қилиш рўйхатининг №19-03-РУ-84-2004 реестрига биноан 2004 йил 1 октябрдан кўмир нархи қуйидагича белгиланди.

Маҳсулот номи	Ўртача ҳисоблаш меъёри		Ўлчов бирлиги	ҚҚС билан 1 тонна-синнинг улгуржи нархи (сўмда)
	кул чиқиши	намлик		
2 БПК 50-300 (200) бюджет ташкилотлари учун	14,4	35,8	тонна	5700
Шунинг ўзи биржа орқали	14,4	35,8	тонна	11040
2 БОМСШ 0-50	32,8	35	тонна	17754
2 БОМСШ-Б-1 0-50	32,5	35	тонна	13890
2 БОМСШ-Б-2 0-50	46,7	35	тонна	7590
2 БР 0-300 (200) бюджет ташкилотлари учун	21,8	35,5	тонна	11250
Саноат корхоналари учун	21,8	35,5	тонна	18300
2 БР-Б-1 0-300 (200)	32,5	35,5	тонна	13404
2 БР-Б-1 0-300 (200)	46,7	35,5	тонна	6912

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
2004 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантуранинг кундузги бўлимига
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
13.00.01. — педагогика назарияси ва тарихи;
19.00.05. — ижтимоий психология; этнопсихология.
Ҳужжатлар 2004 йил 30 ноябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй, Республика «Оила» илмий-амалий маркази.
Мурожаат учун телефонлар: 45-15-59, 45-18-68.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

ОАЖ «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи»



ИСО 9001-2000 халқаро сифат сертификатини заводда қўллаш учун консультатив хизмат кўрсатиш бўйича
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ.Умаров кўчаси, 8-уй. Телефон: 120-64-07.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Котибияти жамоаси катта референт Г. Т. Бондаревага онаси
Мария Васильевна ХАРЛОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Дипхорижхизмат» бошқармаси жамоаси «Ўздиптранссервис» бош директори
Адҳам Аъзамович АЪЗАМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси, «Марказий Осиё маданияти» халқаро газетаси жамоалари «Марказий Осиё маданияти» халқаро газетаси бош муҳаррири Анвар Жўрабоевга опаси
ЎЛМАСХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси марказий аппаратнинг Мониторинг бўлими бошлиғи Женгис Узақбергеновга укаси
Алпомис УЗАҚБЕРГЕНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази жамоаси «Тафаккур» журналининг масъул котиби, фалсафа фанлари номзоди Баҳодир Умаровга онаси
НОРГУЛ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси Наманган филиали директори Ҳофиз Қориевга онаси
Мукаррамхон ая ОТАХОНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —166. 21274 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 12345.